


Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир.



O'zbekiston
«ADOLAT»
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

ADOLAT

Ижтимоий-сиёсий газета

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

№ 28-29
(733)
2009 йил,
26 июнь,
жума

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

ОЗОД ЮРТИМИЗНИНГ УЛУҒ БАЙРАМИ



Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг гаровидир.

Истиқлол — энг улуғ ва энг азиз нёъмат. Озодлик — муқаддас калом. Хуррият, эркинлик — таърифга сиймайдиган туйғу. Бу буюк тушунчаларни ҳис қилиб, англаб яшаш — катта саодат. Мустақиллик — ҳар қандай халқнинг тарихидаги шонли воқеа. Миллат шаъни, кадр-қиммати, юрт тараққиёти, эл обрўсининг юксалиши, ҳақон ичра тенг бўлиши унинг истиқлолига бевосита боғлиқ.

1991 йилда жонажон Ўзбекистонимиз Юртбошимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мустақилликка эришган, халқимиз ҳаёти, турмуш тарзи тубдан ўзгарди. Жамиятнинг барча соҳалари ривожланиш сари юз тутди, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмади, давлатлари ҳаётимизнинг устувор шиориға айланди.

Истиқлол эл-юртимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, ўз кадр-қиммати аниқлаб, муносиб ҳаёт кечириш имкониятини яратди. Айни пайтда у ҳар бир одамнинг иқтисодий-ижтимоий соҳаларда истеъдод ва қobiliятини тўла намойиш этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўйбга чиқаришининг мустақам заминидир.



Мустақиллик йилларида кўҳна тарихимиз, бой меросимиз, муқаддас динимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди. Бугунги кунда меҳроқибат, бағрикенглик, ҳамжихатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғуси юрагимизнинг тубидан ўрин олди.

Вақт югуриқ. Ўтаётган ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа барчамизнинг энг улуғ ва энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллик айёмига тобора яқинлаштирмоқда. Мана шу шуқулли дамларда ҳар биримиз истиқлолнинг буюк моҳияти ва аҳамиятини, саховатли заминимизда яшайдиган жамияти ватандошларимиз ҳаётида тутган ўрнини, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги оламшумул воқеа эканини янада тегиз англаймиз.

Куни кеча Президент Ислам Каримовнинг Ватанимиз ва халқимиз ҳаётидаги буюк сана — муста-

қиллик байрамнинг 18 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича қарори қабул қилинди. Унда жойларда, меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари, маҳалла-ларда "Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг гаровидир" деган эзгу гоани ифода этадиган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш борасидаги кенг кўламли ва-зифалар белгилаб берилди.


Дарҳақиқат, мустақил-лик озод юртимизнинг энг улуғ байрами, халқимиз-нинг улкан тўйидир. Тўйга тўёна билан келиш — азал-ий одатимиз. Пойтахти-мизда, вилоятларда, қиш-лоқларда бугун-эрта фой-даланишга топширила-диган замонавий ва му-ташам иншоотлар, таълим масканлари ва тиббиёт муассасалари, равои йў-лар ва муаззам кўприклар қурувчи-бунёдкорлари-мизнинг тўёнаси бўлса, халқаро мусобақаларда давлатимиз мадҳияси ян-граб, байроғимиз кўтари-лаётгани, жамиятимиз-нинг таянчи ва суянчи бўлган ёшларимизнинг кўксига шода-шода ме-даллар тақилаётгани спортчиларимизнинг байрам тухфасидир.

(Давоми 2-бетда.)

Олий Мажлис Қонунчилик палата-сидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда дастлаб "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғриси-да"ги ва "Ижара тўғрисида"ги Ўзбе-кистон Республикасининг Қонунлари-ни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси қизғин му-ҳокама қилинди.

Парламентда



МУСТАҚКАМ ҲУҚУҚИЙ ЗАМИН

депутатларнинг қизғин
баҳс-мунозаралари
билан миллий
қонунчилигимиз янада
такомиллашмоқда

"Ўзбекистон Республи-касида мулкчилик тўғри-сида"ги қонун 1990 йил 21 октябрда, "Ижара тўғрисида"ги қонун 1991 йилнинг 19 ноябрида қабул қилинган эди. Таъ-кидлаш жоиз: мазкур қонунлар мамлакатимизда бозор муносабатлари жо-рий қилинишига ва ривож-ланишига хизмат қилди.

— "Ўзбекистон Респуб-ликасида мулкчилик тўғрисида"ги қонунда, — деди ушбу масала юзаси-дан маъруза қилган куйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси ўринбоса-ри Равиль Собиржонов, — хусусий мулк, ширкат (жа-моа) мулки, маъмурий-

ҳудудий тузилмаларнинг мулкидан иборат (коммунал мулк) давлат мулки, аралаш мулк, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки каби мулкчиликнинг турли шакл-лари белгиланган. Мухтасар қилиб айтганда, қонун маз-кур мулкчилик шакллариға асосланган. Ҳозирги кунга келиб мулкчиликнинг бун-дай бўлиниши амалдаги қонунчиликка тўғри келмай-ди. Чунки Ўзбекистон Рес-публикасида хусусий ва ом-мавий мулк шакллари жо-рий қилинган. Бундан таш-қари, қонунда кўрсатилган нормалар эскирган, матн-да кўрсатилган тушунча ва атамалар эса ҳозирги кун-да қонунчиликда қўлланил-майди. "Ижара тўғрисида"

ги қонун хусусида ҳам худ-ди шундай сўз юритиш мум-кин.

Фракция аъзолари эъти-борига биринчи ўқишда ҳавола этилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгар-

тиш ва қўшимчалар кири-тиш ҳақида"ги қонун лойи-ҳаси йиғилиш иштирокчи-ларининг қизғин муҳокама-сига сабаб бўлди.

Маълумотларга кўра, жо-рий йилнинг 1 апрель хола-тига 5434 та ҳўжалик юри-

тувчи субъектга фармацев-тика фаолияти билан шу-ғулланиш учун лицензиялар берилган. Шулардан 107 таси дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқарувчилар, 258 таси улгуржи савдо қилувчилар бўлса, 4716 таси хусусий дорихоналарни ташкил этади. Йиғилишда эъти-роф этилганидек, ҳозирги кунда қонуннинг йўллар билан мамлакатимизға хо-риждан инсон ҳаётиға хавф соладиган сифатсиз ва истеъмолға яроқсиз дори воситалари ва тиббий буюмлар кириб келмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

БАХТУ ИҚБОЛИМИЗ КАФОЛАТИ

Юрт ободлиги, халқ турмуш фаровонлиги қишлоқ тараққи-ёти билан ўзвий боғлиқ. Мамлакатимизда истиқлол йиллари-да қишлоқларни газлаштириш, тоза ичимлик суви билан таъ-минлаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва даражасини оши-риш, сервисни ривожлантириш борасида бемисл ишлар қилин-ди. Жорий — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида эса бу йўналишдаги тадбирлар янада катта салмоқ ва самара касб этиб, юқори босқичға кўтарилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Тошкент вилоятида Дав-лат дастури ижроси йўлида кенг кўламли чора-тадбирлар белгила-ниб, амалға оширилди. Биринчи галда вилоят аҳолиси турмуш ша-ронитини тубдан яхшилаш чора-тадбирларидан бири — кам таъмин-ланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашға жиддий эътибор берилди. Бунинг натижасида аҳолини, айниқса қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган фуқароларни иш билан таъминлаш самарадорлиги ошиб, минглаб янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, қишлоқларда иш-лаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни янада ривожланти-риш, қолаверса, тоза ичимлик суви, газ ва электр энергиясини таъминотини яхшилаш, қишлоқ йўлларини таъмирлаш, ободонлаш-тириш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилди.

(Давоми 2-бетда.)

ХАТИРЧИДА "БАХТ УЙИ"

НАВОИЙ. Мустақиллиқнинг 18 йиллиги олдида ту-ман марказида замонавий қўлайликларға эға яна бир янги иншоот — "Бахт уйи" ишға тушди. Унинг таркиби-да ФХДБ бўлими ва нотариал идора бўлиб, очилиш маросимида иштирок этган оқсоқоллар, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари бу ерда рўйхатдан ўтган даст-лабки келин-куёвларнинг гувоҳлариға айланишди.

Иншоотнинг бунёд этилишиға ахратилган 180 мил-лион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини тумандаги "Муаззам-Хулқар орзуси" фирмаси қурувчилари олиб борди.

"НАМИМПЕКТЕКСТИЛ" — ЭКСПОРТЧИ КОРХОНА

НАМАНГАН. Пахтадан калава ип ва нотўқима мато ишлаб чиқаришға ихтисослашган мазкур масъулия-ти чекланган жамият бугунги кунда вилоятдаги экс-портчи корхоналар пешқадамиға айланди.

Россия ва Германиядан келтирилган ип йиғириш ва нотўқима мато тайёрлаш дастгоҳларида дастлаб 100, кейинроқ 300 киши иш билан таъминланган бўлса, ҳозир улар сони 500 нафарға етди. Махсулот тайёрлаш ҳажми ўтган йили 1,5 миллиард сўмни ташкил этиб, унинг барчаси чет элга экспорт қилин-ди. Корхона махсулотларининг ташқи бозорда асо-сий харидори Россия саноатчилари бўлиб турибди. Ўтган ҳафта бу ерда йирик "Моснамотекстиль" фир-масининг кўп микдордаги буюртмаси ниҳоясига ет-казилди.

"МАТБУОТ ИСТИҚБОЛИ" ФОРУМИ

Қаршида ўтган анжуман Ўзбекистон жур-налистлар ижодий уюшмаси, Мустақил бос-ма оммавий ахборот воситалари ва ахбо-рот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Элек-трон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида уюштирилди.

Унда журналистларнинг касб маҳорати-ни ошириш, таҳлил ва таҳрир салоҳиятини

кучайтириш, ижодда журналистика жанрла-ридан унумли фойдаланиш, ахборот тўплаш ва тарқатишға оид масалалар ҳамда муам-молар юзасидан мулоқотлар бўлди. Энг яхши тажрибалар ҳақидаги видеороликлар тад-бир қатнашчиларида катта таассурот қол-дирди.

Эминжон Йўлдошев,
"Adolat" мухбири.

САЙЛОВ — ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ ҚУРОЛИ

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамда Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши та-шабууси билан "Сайдовлар — демократиянинг муҳим қуроли" мавзуда давра суҳбати ўтказилди.



2

ДОВРУҚЛАР ҚАНОТИДАГИ ДЕНОВ

Йўлингиз тўхса, албатта, деновликлар меҳмони бўлиш завқли. Ҳақиқий ўзбекона самимият, меҳмондўстликдан кўнглингиз тоғдек юксалади, истиқлол йилларида қад рўстаган бири-биридан гўзал ва кўркем иншоотларни кўриб, мустақиллик имкони-ятларидан самарали фойдаланайотган юрт-дошларимиз қувончига шерик бўлаганингиз-дан дилингиз яйрайди.



3

САМАРҚАНД МАТБУОТИ: ВОҚЕЛИКНИНГ ХОЛИС ГУВОҲИ

Янги босқич деганимизнинг боиси шун-даки, биз матбуотда турли хилликка эришдик. Босма нашр ва телевидениенинг истаган тури бор. Энди сифат, яъни ижо-дий рақобат жараёнини кузатаймиз. Қай-сидир нашр оммалашяпти, қайсидир таҳ-ририятлар ўз фаолиятини тугатаяпти.



8



МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ЗАМИН

(Давоми.
Бошланғичи 1-бетда.)

Бундан ташқари, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан сифатсиз дори воситаларини ишлаб чиқариш ҳолатлари ҳам аниқланмоқда. Бундай ҳолатларни бартараф этиш мақсадида амалдаги Жиноят кодексини сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситалари ёхуд тиббий буюмларни сотиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташвиш эти уларни сотиш ҳолатлари учун жавобгарлиқни назарда тутувчи норма билан тўлдирish мақсада мувофиқдир. Қонун лойиҳасида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳам

худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлиқни белгилловчи модда киритилиши таклиф этилмоқда.

Қонун лойиҳаси қабул қилинса, дори воситаларини ноқонуний муомалага киритиш билан боғлиқ барча ҳаракатларни бартараф этишга ҳуқуқий замин яратилади. Бундан ташқари, маъмур ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлиқнинг ёғона амалиёти ўрнатилди. Негаки, ҳозирги пайтда маъмур жиноятлар Жиноят кодексининг ҳар хил моддалари билан таснифланади, бир тоифадаги қилмишларни турлича маълумлаш, шахсни турли моддалар билан жавобгарликка тортиш ҳолатлари учраб турибди. Фрак-

ция аъзолари қонун лойиҳасининг аҳамиятини эътироф этган ҳолда маълумлашди.

Йиғилишда "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 256-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги, "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳалари ҳам фракция аъзолари томонидан қўриб қилинди. Мухокамалар асосида депутатлар томонидан қонун лойиҳаларини янада такомиллашувига хизмат қилувчи таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Фарҳод ЭСОНОВ,
"Adolat" мухбири.

Минбар

Вақт — югурик, умр — оқар дарё дейдилар. Ҳар бир инсон босиб ўтган йўлига бир қур назар солиши фойдадан холи эмас. Зотан, вақт, умр сарҳисоби натижасида амалга оширилган хайрли юмушлар киши қалбига оз бўлса-да, ҳаётдан, фаолиятдан мамнулик ва қониқлиш туйғусини бахш этади, келгуси ишларни режалаштиришга ундайди.

ДЕПУТАТ ФАОЛИЯТИ

партия нуфузига нуфуз қўшади,
унинг бўлғуси сайловлардаги
муваффақиятига пойдевор яратади

Ўтган галги сайловда 40-Қорақча сайлов округи ҳудудидаги сайловчилар "Адолат" СДП вакили сифатида менга катта ишонч билдиришиб, Халқ депутатлари вилоят Кенгашига депутат этиб сайландим. Ноқамтарлик бўлса ҳам айтишим жоиз: ана шу вақтдан бошлаб то ҳозирги кунга қадар сайловчиларим ва хайрихоҳларим манфаати йўлида қатор чора-тадбирларни амалга оширилишига озми-кўпми ҳисса қўшолдим. Масалан, ҳудуддаги "Чангир", "Сарой", "Зарбдор" ва Э.Лайлиев номидаги маҳаллалар тоза ичимлик суви билан таъминланди. Қишлоқ йўллари таъмирланиб кенгайтирилди. Савдо ва сервис хизмати ташкилчилари ташкил этилиши тўғрисида 18 киши иштирок этди.

Шунингдек, партияимиз фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланган ижтимоий ҳимояга катта эътибор қаратилди. Шу мақсадда кам таъминланган турта оилаларга бир неча миллион сўмлик микрокредитлар олиб берилди. Бу, ўз навбатида, ушбу оилаларга тадбиркорлик, хусусий бизнес билан шуғулланишлари учун имкон яратди. Қолаверса, уй-жой қуриш учун томоққа ер ажратилишида ёрдам сўраб мурожаат қилган учта оилаларга амалий қўмак берилди, бу ҳам партияимизга бўлган ишончнинг янада мустаҳкамлашга хизмат қилди, дейиш мумкин.

Даровке, ана бир неча ойлardan сўнг, аниқроғи, жорий йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди. Мазкур сайловларда партияимизнинг иштироки натижаси қўп жиҳатдан биз — ҳозирги депутатларнинг қўлидаги фаолияти самарасига боғлиқ. Негаки, сайловчилар, электрорат ишончини қозониш йўлида астойдил ҳаракат қилган, элим деб, юртим деб ёнаб яшаган депутат бу савий-ҳаракатлари билан партия нуфузига нуфуз қўшади, унинг бўлғуси сайловлардаги муваффақиятига мустаҳкам замин яратади.

Бахтиёр МИЗОНОВ,

Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши депутати.

ОЗОД ЮРТИМИЗНИНГ УЛУҒ БАЙРАМИ

(Давоми.
Бошланғичи 1-бетда.)

Мустақиллик бўлмаса, бундай ютуқлар, ўсиш-ўзгаришлар қерда эди? 1988 йилнинг кузи. Газетада Ўзбекистондан тўққиз киши Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрига, Олимпия ўйинларига жўнаб кетгани ҳақида хабар босилди. Олдий хабар. Бу 9 киши тўққизта йўлланма дегани эмасди, албатта. Шунда ҳам улардан шохсупага кўтарилганлар бўлди. Лекин яна жимлик. Яна ўша даврдаги газетани ваққлаймиз. "Тошкентликларнинг ҳиссаси" деган хабардан наҳа қўлимаган. У ҳам бўлса, туртинчи саҳифанинг охириги устун, энг пастга жойлаштирилган. Сабаби жуда олдий — то-талитар тузум "Ўзбекистон фарзанди", "халқимиз ваққили", "бизнинг спортчимиз" деб гурурланишга йўл қўймади. Боиси эркимиз ўз қўлимизда эмасди.

2008 йилнинг ёзи. Ватанимизнинг 57 нафар фарзанди Пекинда бўладиган Олимпия ўйинларига жўнаб кетди. Улар жуда катта тантана билан кузатилди. Халқимизнинг муносиб ваққилари эканлиги баралла, миллий гурур билан айтилди, ёзилди, намойиш этилди. Шулардан олти нафари шохсупага кўтарилди. Жонажон Ўзбекистонимизнинг мадҳияси янгради, эркин элнинг музаффар туги баланд қўрилди. Бутун мамлакат бўйлаб катта байрам қилинди.

Истибод тузуми даврида ўзбек ўғил-қизларининг ҳорижда ўқиши, улар ўзининг интеллектуал салоҳияти билан барчани ҳайрон қолдиришини тасаввур қилиш мумкинми? Ҳозир ёшларимизнинг фан, таълим, тиббиёт, маданият ва санъат соҳасидаги ютуқлари ҳақида деряри ҳар кун янгилик

лангани, Навоий халқаро аэропорти ҳудудида эркин иқтисодий зона ташкил этилаётгани мамлакатимиз салоҳиятини янада юксалтирди, одамларимизнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлади. Ўзбекистонимизнинг жаҳон иқтисодий тизимида, дунё ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллашида муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг сиёсат майдонидаги жасоратли ташаббуслари, хусусан, нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки глобал кўламда хавфсизликни сақлаш, терроризм ва экстремизм, геноцид моддалар ва қурол-проғ савдосига қарши бағирлиқ курашиш, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини Ўзбекистон шароитида бартараф этишни йўллари хусусидаги таҳлиллари бутун дунёда эътироф этилди.

Бугун юртимизнинг қай бир ҳудудига борманг, таъбир жоиз бўлса, истиклол йилларида яхши ниятлар билан экилган ниҳоллар мева бераётганига — кенг кўламда иқтисодий натижасида иқтисодиётимиз барқарор ривожланиб, мамлакатимизда иқтисодий амалга оширилаётган муҳим ижтимоий дастурларнинг ижобий самараларига гувоҳ бўласиз. Олиб берилаётган улкан бунёдкорлик ишлари натижасида она диёримизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, шаҳар ва қишлоқларимиз янада обод бўлиб бораётганидан кўзингиз қувонади. Йилдан-йилга кўламини ва микроси кенгайиб бораётган, одамларнинг оғирини енгил қилишга, аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга қаратилган бу ишлар истиклол берган имкониятларнинг амалдаги ифодаси эканлигини ҳис қилиб, янада кўпроқ даромад олиш учун изланаётган бўлди. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқда илҳам саноат қорхоналари ва цехлар бунёд этиш, касалачилик, қишлоқ ҳўжа-лик ишлаб чиқаришига хиз-

миз табиий, албатта. Чунки фақат мустақил давлат, мустақил жамятдагина илҳолотларни амалга ошириш мумкин. Мустақиллик ҳам, илҳолотлар ҳам инсоннинг яхши яшаши, муносиб турмуш даражасига эришиши учун зарур шароит яратади.

Мамлакатимиздаги илҳол илҳолотлар босқичма-босқичлик тамойилига асосланганини, ушбу таракқиёт йўли нечоғли тўғри ва ҳаётий эканлини хорижий эксперт ва мутахассислар, сиёсатчилар ҳам эътироф этди. Бошқалар намуна сифатида ўрганаётган бу яхшилик жараён — том маънодаги илҳолотларнинг дебоҳаси аслида қишлоқдан бошланган, десак, муволафа бўлмайдди. Зеро, хали мустақилликка эришмасдан олдин, сойиқ "марказ"нинг фақат пахта хомаҳисини кўпайтириш тўғрисидаги кўрсатмаларига қарамадан, пахта майдонлари ҳисобидан қишлоқ аҳлига томоққа ажратилгани чинакам илҳолот, таъбир жоиз бўлса, жуда катта шижоат ва мардликни талаб қиладиган фавқуллода ҳодиса эди.

Уша пайтдаги вазият қанчалик қалтис бўлишига қарамай, фақат Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаати, ер деҳқонни боқадди, деҳқон эса ҳаммамизни, деҳқончилик таракқиёт — фаровонлик манба, деган эзгу давлатлар ила бошланган илҳолотлар тўғрисида бугун агар соҳада улкан ютуқлар эришмоқдими.

Қишлоқда ҳўжалик юртишининг янгиша шакллари кенг кўламда жорий этилиши боис деҳқонлар нафақат ўзи ишлаётган ернинг, балки шу ерда етиштирилаётган маҳсулотнинг ҳам эгаси эканлигини ҳис қилиб, янада кўпроқ даромад олиш учун изланаётган бўлди. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқда илҳам саноат қорхоналари ва цехлар бунёд этиш, касалачилик, қишлоқ ҳўжа-лик ишлаб чиқаришига хиз-

БАХТУ ИҚБОЛИМИЗ КАФОЛАТИ

(Давоми.
Бошланғичи 1-бетда.)

"Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили" ҳудудий дастурига биноан янги ўқув йили бошланғичи қадар вилоятимиздаги қишлоқ ҳўжларида қарий 15 минг ўқувчиға мўлжалланган 23 та касб-ҳўнар коллежи, 3331 ўринли 8 та янги мактаб қурилиши тўғалланади. 12 та болалар спорти иншооти, 2 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилади.

Давлат дастури доирасида ҳаётга самарали тадбиқ этилаётган маъмур бунёдкорлик ишларида 6 минг нафарға яқин партияимиз аъзолари ҳам фаол иштирок этаётганлиги эса қишлоқ зўр мамнуият бағишлайди.

Даровке, вилоят партия Кенгаши ҳамда унинг қўйи ташкилотлари томонидан жорий йилда 150 дан ортиқ

турли тадбирлар ўтказилди. Уларнинг аксарияти "Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тарғиб-ташвиқ қилиш, дастур ижросини таъминлаш мақсадида ташкил қилинди.

Маълумки, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини янада яхшилаш, қишлоқ ҳаёти савияси ва маданиятини янги поғоналарға кўтаришда давлат ва нодавлат ташкилотларининг ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эға. Шу боис, жорий йил бошида Кенгашимиз ҳамда Тошкент шаҳар партия Кенгаши, "Маҳалла" ҳайрия жағмармаси вилоят бўлими ва Фўқаролик жамятини ўрганиш институтини вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази билан биргаликда ҳамкорлик режаси тўзилиб, унга қўра "Истиклол ва қишлоқ истиқбол"и қўриқ-танловини ўтказилиши белгиланди. Маъмур танловини ўтказишдан кўзда

тутилган асосий мақсад пойтахт вилоятини "Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши билан боғлиқ жараёнда қишлоқ фўқаролар йиғинлари томонидан амалга оширилажақ эътиборға молик ишларни аниқлаш ва оммалаштиришдан иборат. Тадбир Низомига асосан қишлоқ таракқиёти-ни ўзида ифодаловчи "Қишлоқнинг таракқиёт паспорти" ва қишлоқда истиқомат қилувчи билан сўхбат сўровномаси ишлаб чиқилди ҳамда ҳўжларға етказилди. Қўриқ-танлов якунида жалланган қишлоқ ҳаётига оид маълумотлар асосида илгор таҳлиллари, эришилган ютуқлар аниқланади. Ўйлайманки, бу келгусида қишлоқ таракқиётига хизмат қилади.

Кейинги йилларда республикаимизда ўзини ўзи бошқариш органлари мавқеи юксалиб бормоқда. Шу

туфайли эндиликда аҳолининг, шу жумладан, қишлоқ аҳлининг қўлидаги турмуш билан боғлиқ қўпгина масалалар фўқаролар йиғинларида бамаслаҳат ҳал қилинапти. Биз маҳаллаларнинг мавқе-нуфузи, салоҳиятини эътиборға олган ҳолда, маҳалла фаоллари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйганимиз. Ана шу ҳамкорлик натижаси ўлароқ, бугун партияимиз ва маҳаллалар фаоллари қишлоқ аҳолиси сиёсий онгини ошириш, турмуш даражасини яхшилаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш каби йўналишлардаги жараёнларға муносиб ҳисса қўлишга астойдил ҳаракат қилишапти. Фикримиз тасдиғи сифатида Ўртаҳриқ туманидаги "Дўстлик", "Ангор", Охангоров туманидаги "Унгу", Оққўрган туманидаги "Жалолир" қишлоқ ҳамда маҳалла фўқаролар

йиғинларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, олимлар, устоз-ўқитувчилар ва ўқувчи ёшлар иштирокида бўлиб ўтган учрашулар, давра сўхбатлари ва семинар-тренинглари келтириб ўтиш мумкин.

Бугун юрт равнақи, халқ фаровонлигини таъминлашдек ҳайрли мақсадга эришиш биз, партиядошлардан ўзига хос ташаббускорликни, фаоллик ва фидойиликни талаб этмоқда. Шу боис ҳам вилоят партия Кенгаши ҳамда унинг ҳудудий ва бошланғич ташкилотлари ўз фаолиятларида янги шу жиҳатларға алоҳида эътибор қаратишмоқда. Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йилида эзгу мақсад йўлидаги ишларимиз илҳол давом этаверад.

Қамолжон ШОДИМЕТОВ,
"Адолат" СДП
Тошкент вилояти
Кенгаши раиси.



САЙЛОВ — ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ ҚУРОЛИ

Фўқаролик жамятини ўрганиш институтини ҳамда Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан "Сайловлар — демократиянинг муҳим қуроли" мавзусида давра сўхбати ўтказилди.

Тадбирда Марказий Сайлов Комиссияси томонидан ишлаб чиқилган сиёсий тадбир қонцепцияси муҳокама қилинди.

— Қонцепцияда бўлажақ сайловларда сиёсий партияларнинг ўзини тўла намоён этиши учун муҳим йўналишлар белгиланган бўлиб, — деди фўқаролик жамятини ўрганиш институтини илҳол ходими Рўстам Саидов. — Жумладан, партиялар сайловлар жараёнида ўз вазифаларини босқичма-босқич амалга оширадидлар.

Тадбир иштирокчилари бўлажақ сайловларнинг ҳолисона ўтказилишини назорат қилиш учун кузатувчилар захирасини шўқлантириш, ваколатли ваққиларни пўхта тайёрлаш, номзодларнинг зарур ахборотлар билан таъминлаш, билан ва таҳрибаға эға ишончли ваққилар гуруҳини яратиш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Йиғилишда Фўқаролик жамятини ўрганиш институтини билан биргаликда сайловлар хусусида, шунингдек, долзарб мавзуларда мунтазам равишда давра сўхбатлари, семинар-тренинглари ташкил этиш ҳар томонлама фойдали бўлиши таъкидланди.

Саодат СОДИҚОВА,
"Adolat" мухбири.

ДАСТУР АСОСИДА

Наманган шаҳрида Фўқаролик жамятини ўрганиш институтини ҳамда Ўзбекистон "Адолат" СДП Хотин-қизлар Кенгаши ҳамкорлигида "Фўқаролик жамяти институтлари фаолиятида аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш соҳасида самарали шакл ва услубларни қўллаш" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДПнинг фракцияси аъзолари Зухра Ботирова, Ойша Охунова ҳамда партия фаоллари, жамоатчилик ваққилари иштирок этди. Тадбирда семинар-тренинг лойиҳасида белгиланган дастур асосида

илмий-назарий маърузалар қилинди.

— Ўзбекистон аёлларининг жамятдаги нуфузини юксалтиришға ҳукумат микёсида эътибор қаратилиши мамлакатимиз қонунчилигида ўз аксини топган, — деди "Адолат" СДП Хотин-қизлар Кенгаши раиси Зухра Ботирова ўз маърузасида. — Биргина Меҳнат кодексини олайлик. Унда аёлларға ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларға бериладиган қўшимча қафолатларға оид махсус бўлим ажратилган бўлиб, у 16 та моддадан иборат. Қолаверса, "Давлат ижтимоий сўгуртаси бўйича бериладиган нафақалар" бўлими-

да ҳам аёлларға қўлайлик туғдиришни ифодаловчи моддалар мавжуд. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Муҳими, улардан ўз вақтида оқилона фойдалана олиш лозим.

Икки кун давом этган давра сўхбатинида мамлакатимизда аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар, шунингдек, бўлғуси сайловларда аёл номзодлар сонини кўпайтириш масалаларида фикр алмашилди. Ўз навбатида, Ўзбекистонда сайловларни тартибга солувчи меърий-ҳуқуқий ҳўжатлар бўйича ҳам фикр-мулоҳазалар тингланди.

Саййид ОЛИМ,
"Adolat" мухбири.

ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТДИ

Фўқаролик жамятини ўрганиш институтини Қашқадарь минтақавий ахборот-таҳлил марказида бўлиб ўтган тадбирда партиянинг Сурхондарь ва Қашқадарь вилоятлари Кенгашлари "Аёллар қаноти" етакчилигида 20 нафари сиёсий билимларини оширишди. Эксперт ва олимлар Президентимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асари, давлат ҳокимияти тўзилиши, партиянинг хотин-қизларга оид сиёсати, сайлов тизимида доир қонунчиликнинг ўзига хос жиҳатлари ва унда хотин-қизлар иштироки каби бир қатор мавзуларда маърузалар қилидлар.

— Савол-жавоб тарзида ўтган семинар мамлакатимиз халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қамровли сиёсий-иқтисодий илҳолотлар жараёни билан яқиндан танишиш имконини берди, — деди партиянинг Қашқадарь вилояти Кенгаши "Аёллар қаноти" фаоли Зарина Ашурова.

Тадбир иштирокчиларда илҳол таассурот қолдирди. Тингловчилар уларини қизиқтирган барча саволларға батафсил жавоб олдилар.

Қамил САХАТОВ,
"Adolat" мухбири.

эшитамиз.

Мустақиллик туфайли биз ўзлигимизни англадик, озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг бор бўй-бастини, улкан салоҳиятини бутун дунёга намоён қила олдик.

Озодлик боис бизни жаҳон таниди, халқимизнинг фидокорона меҳнати, ёшларимизнинг ғайрати, азму шижоати ила Ватанимизнинг шон-шўхрати олам узра яна кенгроқ ёйилмоқда.

Хуррият берган беқиёс имкониятлар неғизда эртанги кунимиз — эркин ва фаровон келажакимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз.

Тарихан қисқа вақтда галла, энергетика мустақиллигиға эришилгани, Андижон ва Самарқанддаги автомобил ишлаб чиқариш, Бухородаги нефтни қайта ишлаш, Қўздумалоқдаги компрессор, Қўғиротдаги сода заводлари, Шўртангазқимё мажмуи каби энг илгор технологиялар жорий этилган замонавий иншоотларнинг янги тушурилиши, Навоий ва Олмалиқ қон-металлургия қўшма ширкати, "Ўзметкомбинат", Фаргона нефтини қайта ишлаш каби саноатимизда етакчи ўрин тутадиган заводларнинг бир маромада узлуқсиз маҳсулот бериши таъмин-

бажарилиши қўп жиҳатдан қишлоқларимизнинг тақдир ва келажак билан боғлиқ. Шунинг учун қишлоқ аҳлининг ҳаётини замонавий меъзолаҳага жавоб берадиган даражаға кўтариш, аграр соҳа ривожига ривож қўлиш, унинг самарадорлигини ошириш айна кундаги долзарб масалалардандир.

Президентимиз томонидан 2009 йилнинг Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилиниши ва бу борада қабул қилинган давлат дастури қишлоқда турмуш даражасини ошириш, қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашға қаратилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, амалга оширилаётган кенг кўламда илҳолотларни янада қўқурлаштириш, иқтисодиётимизни модернизация қилиш ва замонавийлаштириш, қишлоққа саноатни олиб кириш йўналишида узокни қўлаб олиб борилаётган ишларимизни жадаллаштириш, қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги поғонаға кўтаришға хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мустақиллик ва илҳолот тушунчаларига муштарак сўзлар сифатида қараш-

мат қўрсатадиган сервис тармоғини ривожлантиришға, қўшимча иш ўринлари яратишға замин ҳозирлади.

Озёқ-овқат экинлари, аввало, дон етиштиришни қўпайтиришға қаратилган улкан эътибор сабаб галла мустақиллигиға эришганимиз, миннатсиз номинизға эға бўлганимизнинг аҳамияти бутун дунёда озёқ-овқат маҳсулотлари нархи муттасил ошиб бораётган бир пайтда янада тараққот англаб етмоқдамиз. Буларнинг барчаси Юртобшимиз томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилдан бири — давлатнинг ўзи бош илҳолотчи сифатида амалга оширилаётган ишларнинг амалдаги намоёнидир.

Президентимиз таъкидлаганидек, озодлик, эркинлик шундай буюк неъматки, уни биров ҳада қилолмайди, озодликка фақат курашиб эришилади. Аждодларимиз асрлар давомидида хуррият оруз-умиди билан яшаган ва курашган. Бугунги озодлик ва эркинлик халқимизға қанот бағишлади, унга ўз салоҳияти ва қўққудратини тўла намоён этиш имконини бермоқда. Бу буюк салоҳият ва имконият ўз истиклолнинг 18 йиллигини нишонлаётган Ватанимиз равнақиға хизмат қилмоқда.

Озод РАҲАБОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

Ислохот олимлари

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Сурхондарёни шимолдан Ҳисор тоғ тизмалари, шарқдан Бобтоғ, гарбдан Бойсун тоғлари қуршаб туради. Воҳада бўлган киши бир олам таассурот билан қайтади. Йўлингиз тушса, албатта, деновликлар меҳмони бўлиш завқли. Ҳақиқий ўзбекона самимият, меҳмондўстликдан кўнглингиз тоғдек юксалади, истиқлол йилларида қад ростлаган бири-бирдан гўзал ва кўркам иншоотларни қўриб, мустақиллик имкониятларидан самарали фойдаланаётган юртдошларимиз кувончига шерик бўлганингиздан дилингиз яйрайди. Яқинда маърифатпарвар, ростгўй, меҳмоннаво, ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида ёниб яшаётган меҳнатсевар деновликлар ҳузурда бўлди.

Денов истиқлол йилларида янгича қиёфа касб этди. 310 мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган туманда 18 та қишлоқ ва 105 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Шунингдек, туманда 742 та фермер хўжалиги, 4 та транспорт корхонаси, 5 та илмий текшириш муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Мавжуд фермер хўжаликларининг 343 таси пахта ва ғаллачилик билан шуғулланади. Айтиш жоизки, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган умумий ер майдонининг 25 минг 275 гектарини суви, 3 минг 328 гектарини эса лалми экан майдонлари ташкил қилади. Утган йилда давлат оморларига 57,5 минг тонна ғалла, 44 минг тонна пахта етказиб берилди. Эътиборга сазовор жиҳат шундаки, деновлик танти деҳқонлар ҳар икки жаҳада ҳам қарвонбоши сифатида йилни ёруғ юз билан якунлади.

Бу — йил бошидан мўлжалнинг тўғри олингани ҳамда омилкорлик билан қилинган меҳнат самарасидир.

Деновликлар нафақат деҳқончиликда, балки халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам бошқа туманларга ўрнак бўлишмоқда. Биргина 2008 йилда саноатдаги ўсиш суръатлари 108,7 фоизни, халқ истеъмоли моллари тайёрлаш 106,6 фоизни, транспорт хизмати кўрсатиш 103,3 фоизни, қурилишдаги кўрсаткич 101,0 фоизни ташкил этгани ҳам фикримизни яқин тасдиқлаб турибди. Булар сўзсиз аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётган.

Масалан, утган даврда 14,5 километр юқори босимли газ қувурлари тортилди. Кейинги 2-3 йил давомида элликлдан ошқ артезиан қудуқлари қазилиб, аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи қондирилди. Қолаверса, 100 километр ички йўللарда 200 миллион сўмлик ободончилик ишлари бажарилди. Бу борадаги ишлар марказдан анча олисда жойлашган тоғли ҳудудлар — Сина, Бобтоғ сингари қишлоқларда ҳам олиб берилгани эзгу ишлардан далолатдир.

МАЪРИФАТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Маорифсиз маърифатга эришиб бўлмайди. Туман халқ таълими бўлими ва унинг муассасаларида утган вақт давомида "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, "2004-2009 йилларда мактаб таълимининг ривожлантириш давлат умумий миллий дастури"да белгиланган вазифалар асосида талай ишлар амалга оширилди. Туманда 92 та умумий ўрта таълим мактаби, 57 та мактабгача ва 10 та мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Мактабларда 65 минг 541, мактабгача таълим муассасаларида 3 минг 453 нафар бола таълим-тарбия олишмоқда. Мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги тўғрақларга эса 9 минг 970 нафар бола жалб қилинган.

Давлат умумий миллий дастурига мувофиқ тумандаги 20 та умумий ўрта таълим мактабидан 6 таси қайта реконструкция қилинди, 9 таси капитал, 5 таси жорий таъмирланди.

— Яратилган шароит ўқитувчи-педагогларимизнинг самарали меҳнат қилишлари учун катта имконият яратди, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Ҳайдар Сувонов. — Утган ўқув йилида умумтаълим мактабларида 4 минг 805 нафар (улардан 2999 нафари хотин-қизлар) педагог фаолият кўрсатди. Уларнинг аксариятини

олий маълумотли педагоглар ташкил этиши ишимизнинг самарали бўлишига хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг 226 нафари олий, 1064 нафари биринчи, 2576 нафари иккинчи тоифали ўқитувчилардир. Албатта, ҳар қандай иш ижобий самара билан баҳоланади. Хўш, деновлик маорифчилар бугун қандай ютуқларни қўлга киритишмоқда?

— Туманда "Йилнинг энг яхши мактаби" кўрик-танловини ўтказиш аънаъага айланган, — дея сўзини давом эттиради Ҳайдар Сувонов. — Жумладан, утган йили 1-умумий ўрта таълим мактаби дастлаб туман танловиди, кейин вилоятда ғолибликни қўлга киритди. Хатто танловнинг республика басқичида ҳам фахрли ўринлардан бирини эгаллади. Бу сўзсиз ўқитувчиларимизга қўшимча куч бағишлади. Энди ҳар бир мактаб ўз

шаъни учун курашмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, утган ўқув йилида 7 нафар педагог ходимимиз "Халқ таълими аълоси" деган юксак номга сазовор бўлди. Икки нафар ўқитувчимиз Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиги билан тақдирланди.

Туманда болалар спортини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бугунги кунда барча мактабларда замонавий спорт заллари ва майдончалар мавжуд, 106 та спорт секцияси ташкил этилган. Уларда 15 минг 880 нафар ўқувчи спортнинг турли йўналишлари бўйича мунтазам шуғулланмоқда.

— Ҳозирги ёшларга ҳавас қилсак арзийди, — дейди 23-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси, "Соғлом авлод учун" ордени соҳиби Тошмурод Қобилов. — Чунки ҳар қандай қишлоқ мактабида ҳам ёшларимиз ёшларнинг хоҳлаган турли билан шуғулланиш имконига эга. Бу мустақиллик берган неъмат эмасми? Шундай экан, истиқлолнинг қадрига етишимиз, уни кўз қорачиқдек асрашимиз керак.

Дарҳақиқат, туман халқ таълими бўлими иш режасига асосан барча мактабларда "Мустақиллик — ёруғ тақдиримиз, бахтимиз, иқболимиз" мавзудаги ҳафталиклар мунтазам ўтказиб келинди. Унда ўқитувчилардан тортиб, келажимиз ворислари ҳам фаол иштирок этиб, таълим йўналишидаги иқтидорларини намойиш этишди.

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

Мамлакатимизда соғлом авлодни камол топтириш йўлида Юртбошимиз раҳнамолигида катта ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори соҳада мавжуд муаммоларнинг барҳам топишида дастуриал вазифасини ўтамоқда. Қарорда келтирилганидек, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний ҳамда маънавий баркамол авлодни шакллантириш борасида олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш мақсадида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизими муассасалари фаолияти янада фаоллаштириш лозим. Яшаш шароити, иқлими жиҳатидан бирмунча мураккаброк бўлган чекка-чекка қишлоқларимизда бу масала ривожига, айниқса эҳтиёж сезилди.

Бу борада туман тиббиёт бирлашмаси жамоаси кунни тунга улаб меҳнат қилмоқда, десак муболага эмас.

— Гўдакни она сути билан озиқлан-

тиришнинг аҳамияти бекиёс, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бошлигининг ўринбосари Мамлакат Тўраева. — Чунки она сути таркибиди касалликларга қарши моддалар мавжуд. Она сути билан озиқланган гўдакларда турли касалликларга қарши курашувчи иммунитет пайдо бўлади.

Дарвоқе, бирлашма қошида вилоятда ягона ҳисобланган репродуктив саломатлик маркази ҳам ишлаб турибди. Бу ерда махсус ишчи гуруҳи ташкил этилган бўлиб, улар марказдан олисда жойлашган қишлоқларда туғиш ёшидаги аёллар, хотин-қизлар ўртасида жонли мулоқот тарзидаги тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришаётир. Аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш мақсадида янги технологик асбоб-ускуналар, хусусан, видеотасвир, шунингдек рангли суратлар ва изоҳлардан иборат кўргазмалар плакатлардан фойдаланилмоқда. Қишлоқ врачлик пунктларида мунтазам равишда махсус тиббий кўрик ташкил қилинган. Бу ўз самарасини бераётганини оналар ва болалар ўртасида турли касалликларнинг



ман ҳокимлиги қўллаб-қувватлади. Қисқа вақтда шаҳар чеккасидаги қаровсиз ётган жойда паррандачилик корхонасини ташкил этдик. Меҳнатларимиз зое кетмади. Айни пайтда корхонамизда паррандалар сони 6 мингтага етди. Корхонанинг ташкил топиши ўнлаб

— Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида кўпгина давлатларда одамларнинг даромади камайиб бораётган бир пайтда юртимизда янги иш ўринларини ташкил этиш, озиқ-овқат маҳсулотларининг ишончли захирасини яратиш ва уларнинг нархини пайсатиртиришга катта эътибор қаратиляпти, — дейди жамият раиси ўринбосари Алишер Тўраев. — Буларнинг барчаси халқимизнинг турмуш даражасини кўтариш мақсадида қилинмоқда.

Алишер ака билан дилдан суҳбат қўриб турганимизда, адашмасам қўлимда қалам ва қоғоздан муҳбир эканлигимни пайқаган бир харидор дастлаб қимтиниб, сўнг бироз қатъият билан ёнимизга яқинлашди.

— Узим, Саросиёданман, иш билан Деновга кўп келиб тураман, — дея гап бошлади у ўзини Маҳкам Мақсудов деб таништириб. — Очигини айтиш керак, гўшт, полиз маҳсулотларини шу ердан олиб кетаман. Назорат тарозисига кўзинг тушган бўлса керак, лекин бирон киши ундан фойдаланишга эҳтиёж сезмаганилиги сабабли доимо бўш туради...

Деновликлар кичик томоркадан ҳам катта-катта даромад қўришади. Шу сабабдан бўлса керак, кўчалари, бозорлари ҳамisha гавжум. Зеро, бу ерда ўзига тўқ, ризки бутун, диёнатли халқ яшайди.

МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИСИ

Маънавий соғлом жамият юксак манзилларни кўзлайди. Халқимиз азалдан маънавий жиҳатдан ибрат бўлгулик фазилатларга эга. Мустақиллик йилларида ушбу фазилатларнинг теран илдизларини қайтадан кашф этиш, тарихимизнинг, илмий-маданий ва диний меросимизнинг унут бўлган саҳифаларини варақлаб, қомил инсонни тарбиялашга хизмат қиладиган



бебаҳо ҳикматларни тиклаш ва овоз жамиятимизнинг мулкига айлантириш борасида беҳад улкан ишлар амалга оширилди. Тарихий ва миллий қадриятларимизни тиклашга йўналтирилган тадбирлар орқали халқимиз яна бир бор ўзини бор бўйи-баста билан таниб олди. Ўзбекистоннинг қадр-қиммати жаҳон миқёсида ўз ўрнига қўйилди, шон-шўхрати ва обрў-эътибори юксалди.

Ўзбекистоннинг қай бир гўшасига борманг, у жойнинг ўзига хос тарихи, узоқ ўтмиши мавжуд. Денов ҳам бундан мустасно эмас.

Денов азал-азалдан маданияти юксалган, илм-фан тараққий топан гўшалардан саналади.

Айни пайтда Денов босмахонасида вилоятнинг 9 номдаги газетаси чоп этилмоқда. Абдуҳолик Тошев асос солган Денов телевидениеси кўрсатувларидан қўшни туманлар аҳли ҳам баҳраманд бўлишмоқда. Туман ҳокимлиги нашри бўлиши "Чағонийн" газетаси республикада етакчи нашрлар қаторидан ўрин эгаллашга улгурди.

Туман маънавият-тарғибот бўлими раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Тоштемир Турдиевни нафақат Деновда, балки вилоятда, республикада қадрлашди, ҳурмат билан тилга олишди. Тоштемир ака таъбири билан айтганда, ҳурмат қозониш учун, эл назарига тушиш учун пойтахтга бориш шарт эмас. Ҳалол меҳнат, илмга бўлган чанқоқлик, ватанпарварлигининг ўзи қўзланган манзилга элтиб қўйди.

— Маънавият — инсоннинг зотий белгиси, — дейди Тоштемир Турдиев. — Бу борада муҳтарам Юртбошимиз маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудрати эканлигини, маънавият йўқ жойда — тараққиёт йўлигини ҳақли равишда эътироф этганлар. Айниқса, Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" номи асари биз, маънавият тарғиботчиларига дастуриалмаз бўлди. Денов туманида тарғиботчилар гуруҳи томонидан давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 4 апрелдаги "Аҳоли орасида олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2006 йил 25 августдаги "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарорлари ижроси юзасидан ташкилотлар, муассасалар, ўқув юртларида махсус ўқув тематикаси асосида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Муҳтасар қилиб айтганда, ҳилол ва ўн икки юлдуз шуъласи тимсоли порлаган байроғини боши узра озода кўтарган мустақил ўзбек халқи тараққиётнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлидан порлоқ келажак сари интилмоқда. Тарихи теран миллиятнинг парвози ҳам юксак бўлажанини бутун оламга намойиш этишда Денов тумани аҳли ҳам ўз хиссаларини қўшмоқда.

Ҳолтўра ШАҒОАТОВ,
Фарҳод ЭСОНОВ,
Музаффар АБДУШУКУРОВ,
"Adolat" муҳбирлари.

ДОВРУҚЛАР ҚАНОТИДАГИ ДЕНОВ

камайганлигидан ҳам сезиш мумкин.

Бирлашманинг акушерлик бўлими 30 ўринга эга. Бўлимда 2 нафар олий тоифали, 3 нафар 1-тоифали шифокор, 20 га яқин ҳамшира фаолият юритмоқда.

— Бўлимимиз шифокорлари ҳомиладор аёлларнинг ҳомиласи яхши шароитда ривожланиши, жараён билан боғлиқ нохуш ҳолатларнинг олдини олиш борасида профилактик ишларни кучайтирган, — дейди бўлим бошлиғи Лола Назарова. — Жорий йилнинг шу даврига қадар 900 га яқин ҳомиладор аёллар соғломлаштирилди.


Биз тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги шифохоналарда ўз саломатликларини тиклаётган беморлар билан ҳам суҳбатлашдик. Шунга амин бўлдикки, даволанувчилар шифокорларнинг бе-миннат хизматидан мамнун эканликлари яширишмади. Шифохонадаги оқсоқиллик, саранжом-саришталик, одамлар чехрасидаги хуш кайфият ҳам эътиборимиздан четда қолмади.

ёшларни муқим иш жойи билан таъминлади. Бу ерда ҳозирги пайтда кунига 5 минг дондан зиёд тухум сотувга чиқарилмоқда.

Дарвоқе, бу ерда "Ломан-браун" Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасини ташкил этиш борасида ҳам иш олиб борилмоқда. Корхона "Савдогар-банк"нинг туман бўлимига 50 миллион сўм кредит ажратилганини сўраб мурожаат қилган. Бу маблағ ҳисобидан корхонада келгусида бройлер товуқларини кўпайтириш ва аҳолининг гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш режалаштирилмоқда.

НАЗОРАТ ТАРОЗИСИГА ЭҲТИЁЖ ЙЎҚ...

Юрт фаровонлиги, элнинг тўқлиги кўп жиҳатдан унинг бозорига боғлиқ. Деярли ҳар биримиз бирон бир шаҳарга



Шифо масканларида қатъий тарзда олиб борилаётган режалар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётганига яна бир бор амин бўлдик.

ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

Деновликлар ишбилармонликда устаси фаранг ҳисобланади. Бу гўшада тадбиркорларнинг саноғи йўқ, десак муболага эмас. Ана шундай ишбилармонлардан бири Суннатилла Орузқуловдир. У бир неча йил олдин "Мароқанд" паррандачилик хусусий корхонасига асос солган эди.


— Тадбиркорларга берилаётган имтиёزلардан фойдаланиб, шу ишга кўл урдик, — дейди Суннатилла ака биз билан суҳбатда. — Ташаббусимизни ту-

борганимизда албатта, бозор ёки дўконларни айланиб чиқамиз.

Хизмат сафари билан Деновда бўлганимизда дастлаб у ердаги озиқ-овқат маҳсулотлари нарх-навосига қизиқиб, туманда, қўйингки, Сурхондарё вилоятидаги энг катта бозорлардан бири — Денов деҳқон бозорига ташриф буюрдик. Мамлакатимиздаги барча бозорларда бўлганидек, сархил мевалар, қайноқ нонлар бир томондан кўзни қувонтирса, иккинчи томондан уларнинг хушбўй ифори иштахани китиклайди. Бозорнинг озода ва саранжом-саришталиги пойтахтнинг машҳур — Эски Жўва, Олой каби бозорларини ёдга солади.

"Бободоҳқон" очик турдаги хиссадорлик жамиятига қарашли деҳқон бозорининг майдони 3 гектарни ташкил этади. Бу ерда 5 та бўлим, 1400 га яқин раста сотувчи ва харидорлар хизматида. Бу йил бозорда 80 та янги иш ўринлари яратилди.

Газета саҳифаланаётган пайтда Денов тумани ҳокимлигидан хушхабар олдик. Деновлик фермерлар режада кўрсатилган 26 минг 430 тонна ғалла ўрнига 30 минг 880 тонна ғалла ўриб-йиғиб олиб, режани ошиғи билан уддалади. Бундай муваффақиятга эришишда тумандаги мутасадди ташкилотлар ва фермерларнинг ҳамжиҳатлигида меҳнат қилганлиги муҳим омил бўлди. Айниқса, "Асомов Али Мирзаевич", "Панжи", "Равшан Мирзаев" каби фермер хўжаликлари белгиланган режани орттиги билан бажариб, қўпчиликка ўрнак кўрсатишди.






АГРОБАНК

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиздаги барча журналистларни, матбаачилик соҳаси ва нашриёт ходимларини анъанавий касб байрамлари билан самимий муборакбод этади.

Ҳар доим бўлганидек,
27 июнь — Матбуот ва оммавий
ахборот воситалари ходимлари
куни ҳар бирингизнинг
ҳаётингизда ўчмас из
қолдиришини тилаймиз.




Машаққатли,
айни дамда
шарафли
ишингизда
сизларга ҳамisha
омад ёр бўлсин!




ЁҒ-МОЙ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ УЮШМАСИ «ТОШКЕНТ ЁҒ-МОЙ КОМБИНАТИ» қўшма корхонаси очик акциядорлик жамияти жамоаси

Истиқлол солномасини битаётган фидойи
журналистлар, ноширлар ва матбаачиларни
касб байрамлари билан чин дилдан қутлайди.

*Журналистика — юксак масъулият, зўр матонат,
машаққат талаб этадиган касб.
Ана шундай шарафли касб соҳиблари — ижод аҳлига
юрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги
саъй-ҳаракатларингиз бардавом бўлсин, деймиз.*




"ЎЗКИМЁСАНОАТ" ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ



озод ва обод юртимизнинг барча
оммавий ахборот воситалари
ходимларини анъанавий
касб байрамлари билан
чин қалбдан муборакбод этади.

Сизларнинг эзгулик йўлидаги
барча ишларингизда омад тилаймиз,
қадргон дўстлар!



КАСАЛНИ ДАВОЛАГАНДАН КЎРА

унинг олдини олган маъқул, — дейди
Данғара тумани тиббиёт бирлашмаси
раҳбари Анвар Жуманов

Бугунги кунда Данғара туманида аҳолининг тиббий маданиятини ошириш ва саломатлигини сақлаш борасида бирмунча ибратли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, қишлоқ жойларда фаолият юритаётган 20 та врачлик пункти Саломатлик-I, Саломатлик-II лойиҳалари асосида тўлиқ тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Яқинда бу муассасаларда ободончилик ойлиги ўтказилганлиги эса қишлоқлар кўрғига кўрк қўиши билан бирга тиббий хизматлар сифатини яхшилашга ҳам хизмат қилади.

Жумладан, 300 ўринли марказий шифохона ҳам таъмирланиб, дардига дармон излаб келган беморларга қулайликлар яратилди. Марказий шифохонага 850 метр масофадан ўрта босимдаги газ қувурлари тортилиб, 2010 йилги кузги-қишги мавсумда юзга келиши мумкин бўлган муаммолар бартараф қилинди. Шошилиш тез тиббий ёрдам бўлими эса 20 ўринга мўлжалланган юмшоқ жиҳозлар билан таъминланиб, зарарсизлантирувчи тиббий воситалар билан жиҳозланди.

— Аҳоли саломатлигини сақлаш, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш туманимиздаги ҳар бир тиббиёт ходимининг асосий вазифасидир, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари Анвар Жуманов. — Шунинг эътиборига олган ҳолда туманимиздаги тиббиёт муассасаларининг врачлари ҳамда ўрта тиббиёт ходимларининг малака ва тажрибасини мунтазам ошириб боришга ҳаракат қилаёلمиз. Бу қўзланган натижани берапти.

Касални даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал деган пурҳикмат нақлга амал қилган ҳолда жорий «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да 30 миллион сўмга яқин маблағ ҳисобига марказдан олинса жойлашган қишлоқларда яшаётган аҳолининг 31 минг 410 нафари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Касалликка чалинганлар тўлиқ аниқланиб, уларга керакли тиббий хизмат кўрсатилди.

Бахтёр МУҲАММАДИЕВ,
«Adolat» мухбири.

▽ Бунёдкорлик

ҒАЛЛАОРОЛ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Катта ўзбек тракти бўйлаб юрсангиз, Ғаллаорол туманининг катта-кичик қишлоқларига кўзингиз тушади. Бир тарафи Бахмал тоғ этаклари қир-адирларига, бир тарафи Самарқанд вилоятига туташиб кетган ҳудуддаги бугдойзор-у бог-роғлар киши эътиборини тортмай қолмайди. Она табиат мўъжизасига ҳамоҳанг — инсон ақл-заковати ва унинг табаррук қўллари билан сайқал топаётган гузаликни таърифлашга тил охири...

Ҳа, истиқлол йилларида Ғаллаорол ва унинг атроф қишлоқлари таниб бўлмас

даражада ўзгариб бормоқда. Катта йўлнинг икки ёни бўйлаб қад ростлаётган замонавий иншоотлар, умумий овқатланиш шохобчалари, савдо дўконлари киши дилига ёруғлик индиради.

Ҳа, бугун тумanning қайси қишлоғига борманг, улкан бунёдкорлик ишлари устидан чиқасиз. Замонавий спорт мажмуалари, маҳалла гузарлари, мактаблар, кўркам гулзор ва хиёбонлар... Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бу ерда 5 та қишлоқ врачлик пункти қайтадан таъмир топаяпти. 22 километр узунликда ҳудуд йўллари текис ва раво ҳолатга

келтирилмоқда. Бундан ташқари, Агрохизмат маркази ҳамда "Қўйтош" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудларидаги касб-хунар коллежлари, шунингдек, 18 та мактаб реконструкция ҳисобига қайта барпо этиладиган бўлди.

"Қўкбулоқ" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 21-мактаб туман марказидан қарийб 90, вилоят марказидан 120 чақирим узоқда жойлашган. Ундаги Равот қишлоғи аҳолиси асосан чорвачилик ва ғаллачилик билан шугулланиб келишди, даромадлари ҳам шунга яраша. Шу кунга қадар ўқувчилар 1952 йилда

қурилган мактаб биносида таълим олишарди. Эндиликда бу ерда ёшлар янги ўқув йилидан бошлаб, таълимни замонавий таълим масканида олишади.

— Қурилиш-монтаж ишларига жами 173 миллион 600 минг сўм маблағ сарфланди. Шу кунга қадар 137 миллион сўмдан зиёд маблағ ўзлаштирилди, — дейди мактаб биноси қурилишини олиб бораётган "Истиқлол-ВА" фирмаси раҳбари Шавкат Қобилов.

Бир сўз билан айтганда, Ғаллаорол кундан-кунга чирой очмоқда.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
"Adolat" мухбири.

▽ Ибрат

ТАДБИРКОР ТАШАББУСИ

Бойсунлик тадбиркор Абдмажид Холқов ўз маблағи ҳисобидан туман марказида "Болажон" маданият ва истироҳат боғини қуриб, фойдаланишга топширди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда йиғилганлар эл-юрт фаровонлиги йўлида енг шимариб, фидойилик кўрсатган, саховатпешалик қилган тадбиркорга миннатдорчилик

билдиришди.

— Мазкур боғнинг айна жазирама ёз кунларида ишга туширилиши Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида кичкинтойлар учун муносиб совға бўлди, — дейди "Адолат" СДП Бойсун тумани Кенгашининг раиси Баҳром Холтўраев.

Истироҳат боғи болажонларга қад-

рдон бўлиб қолган эртақлар оламига етакловчи турли кўринишдаги экспонатлар билан жиҳозлангани, айниқса, эътиборга сазовордир. Б ерда кичкинтойлар ўзлари севган эртақ қаҳрамонлари билан танишиш имкониятига эга бўлади.

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ,
"Adolat" мухбири.

▽ Огоҳлик

Маълумотларга кўра, ҳозирда 70 дан ортиқ мамлакатда террор усуллари қўллаётган гуруҳ ва ташкилотлар фаолият олиб бормоқда. Том маънода ички терроризм, шунингдек, диний экстремизм ва фундаментализм давлатларнинг миллий хавфсизлигига таҳдид солмоқда.

ТЕРРОРИЗМ — ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

Терроризм ва диний экстремизм бутун жаҳон хавфсизлик тизимига таҳдид қилади. Демак, унга қарши кураш дунё миқёсида бўлмоғи лозим. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлашдан иборат. Эътиборли жиҳати шундаки, бу балойи қазага қарши кураш гоёсини биринчилардан бўлиб мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов илгари сурди. Ортбошимиз ташаббуси билан бир қатор халқаро анжуманларда терроризмга қарши кураш масалалари қизгин муҳокама этилди. Халқаро ҳамжамият ҳам Президентимиз томонидан билдирилган фикрларнинг тўғри эканини эътироф этди. Шунингдек, мамлакатимизда илк бора аср офати — терроризмга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари яратилди. "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши билан, қандай ташкилотлар террорчилик ташкилоти деб топилши; уларни тугатиш асослари, давлат идораларининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги вазифалари, террорчилик ҳаракати оқибатида етказилган зарарни қоплаш ва жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси, терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари тартибга солинди. Мазкур қонуннинг мақсади терроризмга қарши кураш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, шахс, давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини сақлашдан иборат.

Бугунги кунда "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги қонун мамлакатимизда терроризм балосини даф этиш, террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш ва террорчилик хавфидан сақланишга ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилмоқда.

А.КАРИМОВ,
Асака тумани прокурори.

Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси жамоаси

барча қаламкашларни

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари
ходимлари кўни билан табриклайди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларни,
хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасида рўй бераётган
янгилашни жараёнларини ҳолисона тарғиб
қилишда гайрат-шижоат кўрсатаётган қаламкашларга
ижодий муваффақиятлар тилаймиз.



Жонажон дѳиримизнинг жанубий ҳудудида жойлашган, бундан бир аср муқаддам чор атрофи чўлу биѳбонлар билан қопланган Қарши шаҳри бугун кундан кунга чирой очиб бормоқда. Айниқса, истиқлол йилларида бунѳд этилган замонавий ва кўркам иншоотлар, кенгайтирилган равон кўчалар, боғу роғлар, гулзорлару сув ҳавзалари, фавворалари билан кўҳна Насаф ҳозирда ўзгача қиѳфа касб этган.

Қаршининг кўркига кўрк қўшиб турган гўзал биволарнинг бирида ўсмир-ѳшларни мустақил ҳаѳтга тайѳрлайдиган, эртанги кунимиз ворисларини малакали кадрлар сифатида камолга етказадиган ўқув маскани — тиббиѳт коллежи жойлашган.

Бу даргоҳ доимо ѳшлар билан гавжум. Уларнинг ўқиши, касб эгаллашлари учун Кадрлар тайѳрлаш миллий дастури асосида, таълим стандартлари талаблари даражасида барча шароитлар муҳайѳ қилинган. Муассаса эстетик жиҳатдан замонавий қиѳфа касб этган. Ички ҳудуд ва йўлакчалар мустақиллик гоѳларини, имфан, маънавият ва маърифатни акс эттирувчи кўргазмалар, ўқув хоналари эса фан йўналишларига қараб назарий ва амалий ўқув куруллари билан жиҳозланган.

Кейинги йилларда коллежнинг моддий техника базасини мустаҳкамлашга эътибор кучайтирилди. Спорт иншоотлари таъмирланиб, ўқувчиларнинг жисмоний тарбия машғудотлари, тўғарақлардаги иштироки учун барча имкониятлар яратиб берилди.

— Мен ушбу таълим масканида ҳамширалик йўналиши бўйича уч йил тахсил олдим, — дейди коллеж битирувчиси Наргиза Фурқатова. — Шаҳардаги шифохона ва поликлиникаларда амалиѳт ўтаб, ҳамши-

ралик касбининг сир-асрорларини кунт билан ўргандик. Бўш вақтимизни кўнгилдагидек ўтказиш учун кутубхона, спорт мусобақалари, турли адабий-бадий кечалар, танлов ва беллашувлар бизни зериктирмади.

Коллежда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг дунѳқарашини шакллантириш, улар онгига миллий истиқлол ва бунѳдорлик гоѳларини сингдириш, ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаѳтган давлат сиѳсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислохотлар моҳиятини тушунтириш бо-

расида маънавият бўлими қўшида ташкил этилган "Ахборот-тарғибот гуруҳи"нинг олиб бораѳтган ишлари, айниқса, катта самара бераѳтир.

— Мазкур гуруҳ коллежимиз ўқувчилари ўртасида ҳар ҳафтада

мамлакатимизда амалга оширилаѳтган ишлар, янгиликлар, дунѳда юз бераѳтган воѳеалар хусусида маърузалар ташкил этади, — дейди коллеж директорининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари Ди-

фуза Ғуломова. — Шунингдек, ўқувчилар ўртасида ҳукубузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган ишлар таъсирчанлигини ошириш мақсадида ота-оналар билан ҳамкорликда муайян тарбиявий ишлар

миз. Мақсад битта — даргоҳимизга тиббиѳт соҳаси мутахассиси бўлиш ниятида келган ѳшларни нафақат касбга тайѳрлаш, балки уларни ҳақиқий комил инсон, ватанпарвар сифатида ҳам камол топтириш.

Иам масканида тахсил олаѳтган ўқувчиларнинг келажакка бўлган қизиқिशларини орттириш борасида ҳам турли мавзуларда тадбирлар уюш-

тирилмоқда. Айниқса, бу борада малакали ва тажрибали педагоглар барчага ўрнак. Дарвоқе, мазкур масканида айни пайтда ўн олти нафар педагог турли мавзуда илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Уларга бевоѳита ўқувчиларнинг жалб қилинаѳтганлиги ҳам эътиборга сазовордир.

Яна бир аҳамиятга молик жиҳат — ушбу даргоҳ республика Соғлиқни сақлаш ва зирлигининг ўқув-услубий маркази томонидан Қашқадарѳ ва Сурхондарѳ вилоятларидаги барча тиббиѳт коллежларига амалий ѳрдам кўрсатадиган таянч маркази сифатида эътироф этилган. Бу эса коллежда ўқув-услубий ва тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилганидиган далилат беради.

Мақсул АҚРАМОВ,
"Adolat" муҳбири.
Суратларда: коллеж фаолиятидан лавҳалар.



Кадрлар тайѳрлаш миллий дастури амалда

олиб бориламоқда. Тадбирларга ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, сиѳсий партиялар ва маънавият марказлари вакиллари тақлиф этиб, жиноятчилик, гиѳхвандлик, турли кўринишдаги экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолмаслик хусусида тушунтириш ишларини йўлга қўйган-

Коллежда чоп этилаѳтган "Шифо ва зиѳ" тиббий-маърифий газетасида ўқиш ва ўқитиш, жамоатчилик борасидаги фаолиятлар, дарсдан ташқари белгиланган тадбирларнинг ўтишига оид қизиқарли, мулоҳазага мақолалар мунтазам эълон қилинади.

— Болалигимдан шифокор бўлишни орзу қилганман, — дейди шахрисабзлик ўқувчиси Отаназар Саломов. — Айниқса, ортопѳд-стоматолог бўлиб, одамларга нафим тегишини жуда хоҳлардим. Шу боис мазкур коллежда дастлабки сабоқларни эгалайман. Ўқув юртини битиргач, тиббиѳт олий-гоҳларидан бирида билимларимни такомиллаштирмоқчиман. Яна бир ниятим — ўзим туғилиб ўсган қишлоқда шахсий поликлиника очмоқчиман.

Иам масканида тахсил олаѳтган ўқувчиларнинг келажакка бўлган қизиқिशларини орттириш борасида ҳам турли мавзуларда тадбирлар уюш-

тирилмоқда. Айниқса, бу борада малакали ва тажрибали педагоглар барчага ўрнак. Дарвоқе, мазкур масканида айни пайтда ўн олти нафар педагог турли мавзуда илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Уларга бевоѳита ўқувчиларнинг жалб қилинаѳтганлиги ҳам эътиборга сазовордир.

Яна бир аҳамиятга молик жиҳат — ушбу даргоҳ республика Соғлиқни сақлаш ва зирлигининг ўқув-услубий маркази томонидан Қашқадарѳ ва Сурхондарѳ вилоятларидаги барча тиббиѳт коллежларига амалий ѳрдам кўрсатадиган таянч маркази сифатида эътироф этилган. Бу эса коллежда ўқув-услубий ва тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилганидиган далилат беради.

Мақсул АҚРАМОВ,
"Adolat" муҳбири.
Суратларда: коллеж фаолиятидан лавҳалар.

Ўқув даргоҳларининг таянч маркази

ѳки Қарши тиббиѳт коллежида олиб борилаѳтган эътиборга молик ишлар хусусида



ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ "ТУРОН БАНК" ЖАМОАСИ

юртимиздаги барча қалам аҳлини,
матбаа ходимларини 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан муборақбод этади.
Байрам шукуҳи Сиз азизларга ҳамиша ѳр бўлсин!

Кадрли ватандошлар! Сизларга банкимиз миллий валютада куйидаги юқори фоизли омонат турларини тақлиф этади:

«БАҲОР»



сақланиш муддати
3 ОЙ,
омонат фоизи
йиллик 30%,
фоизлар ҳар ойда ѳки
омонат муддати
тутагандан сўнг
берилади.

«ТОШКЕНТ — 2200»



сақланиш муддати
12 ОЙ,
омонат фоизи
24%, фоизлар
ҳар ойда берилади,
омонат 2009
йилининг 30 июнига
қалар қабул қилинади.

«Турон банк» — сармоянгизнинг барқарор ўсиши.

Омонатларга қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сирини ҳисобланади. Омонатдан олинган даромад солиққа тортилмайди. Омонатларнинг фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш фонди томонидан ҳимояланиши кафолатланган.

Омонатлар бўйича ҳисобланган фоизли даромаднинг биричи талабдаѳк берилади. Унутманг, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланадиган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонуан юз фоиз таъминланади.

Маълумотларни
(+99897)
700-55-55
телефонидан ѳки
www.turonbank.uz
сайтидан
олишингиз
мумкин



Хизматлар
лицензияланган.

"EUROASIA INSURANCE" МЧЖ сўғурта ташкилоти

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан соҳа ходимларини самимий муборақбод этади!

Ушбу қувончли кунда Сиз, азизларга сиҳат-саломатлик, оилавий қувонч, баркамоллик ва эзгу ишларингизда омад тилаган ҳолда куйидаги сўғурта турларини тақлиф этади:

- Бахтсиз ҳодисалардан эҳтиѳт шарт сўғуртаси;
- Мол-мулк сўғуртаси;
- Фуқаролик жавобгарлиқ сўғуртаси;
- Профессинал жавобгарлик сўғуртаси;
- Автомобиль сўғуртаси;
- Соғлиқ сўғуртаси;
- Юк сўғуртаси, шунингдек тижорат рискларининг сўғуртаси ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги "Сўғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексини, "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги Қонунининг 7-моддаси, "Сўғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 10-моддасига мувофиқ, юридик шахс (мулкдор, ҳўжалик юритиш ѳки оператив бошқариш ҳуқуқининг субъекти) томонидан мол-мулкни сўғурталаш шартномаси бўйича тўланган сўғурта мукофоти суммаси, шунинг-

дек ўз ходимларининг ҳаѳтини узоқ муддатли шартнома бўйича тўланган сўғурта мукофотлари суммаси жами даромаддан чегирилди.

"EUROASIA INSURANCE" МЧЖ сўғурта ташкилоти филиаллари республикамизнинг ҳар бир вилоятида хизмат кўрсатмоқда.

"EUROASIA INSURANCE" МЧЖ сўғурта ташкилоти хонадонингизга тинчлик келтирсин!

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-26-81, 150-26-82, факс: 150-26-80.



Чортоқ тумани халқ таълими бўлимига қарашли 34-сонли УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИНИНГ УСТОЗ МУРАББИЙЛАРИ

Ўзбекистон журналистларини,
шу жумладан,
"АДОЛАТ" ИЖТИМОИЙ-СИѳСИЙ
ГАЗЕТАСИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИНИ
Матбуот ва оммавий ахборот
воситалари ходимлари куни билан
чин дилдан табриклайди.
Қалбингиз шижоатга, дилингиз
диѳнатга тўлиқ бўлсин!
Сизларни ҳеч қачон сўз қудрати
тарк этмасин, азизлар!



ШОФИРКОН ТУМАНИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА САВДО КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*мустақил диёримиз
журналистларини
Матбуот ва ОАВ
ходимлари кунини
билан самимий
муборакбод этади.*

*Ҳақ сўз, заҳматкаш
қалам қадри доимо юксак
бўлишига тилакдошимиз!*



"ШОФИРКОН КУМУШ ТОЛА" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



**соҳа
жонкуярларини
Матбуот ва ОАВ
ходимларининг
касб байрами
билан самимий
қутлаб,
уларга самарали
фаолият,
оилавий
фаровонлик
тилайди!**




НАВОИЙ МАРКАЗИЙ ЎРМОН ХЎЖАЛИТИ ЖАМОАСИ

фуқаролик жамиятини
шакллантириш ва
демократик тамойиллар
устуворлигини таъминлашга
муносиб ҳисса қўшаётган
барча қалам аҳлини —
журналистларни
27 июнь — Матбуот ва
оммавий ахборот восита-
лари ходимлари кунини билан
қизғин табриклайди.



*Сизларга ҳамиша илҳом,
зағқу шавқ ва адолат
туйғулари йўлдош бўлсин!*



Наманган вилояти "Матлуботсавдо" ОАЖга
қарашли Чортоқ туманидаги

"КУРОРТ САВДО" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиздаги барча
ҳамкасбларини анъанавий
касб байрамлари
билан чин дилдан муборакбод этади.
Юртимиз тинч, осмонимиз
мусаффо, дастурхонимиз тўкин бўлсин!

ИШИМИЗ
ҲАМИША
БАРОРИДАН
КЕЛСИН,
АЗИЗ
ҲАМКАСБЛАР!




НАМАНГАН ВИЛОЯТИ, ЧУСТ ТУМАНИ

"ЧУСТ МАТЛУБОТСАВДО" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

**мустақил юртимизда фаолият кўрсатаётган барча
савдо ходимларини анъанавий касб байрамлари
билан чин дилдан қутлайди.**



**Заҳматли ва
шарафли
ишларингизда
Сизларга
ҳамиша
муваффақиятлар
тилаймиз.**



САМАРҚАНД МАТБУОТИ: ВОҚЕЛИКНИНГ ХОЛИС ГУВОҲИ

Журналист жамиятни кузатувчи эмас, балки унинг фаол аъзоси бўлиши лозим. Атрофдаги воқеаларга муносабатини оқилона айти билсин. Энг муҳими, айтидиган ҳар бир сўзи учун масъулиятни ҳис қилсин.

Йўқ, бу бировга ақл ўргатиш эмас. Биз жадид боболаримиз ўғитларини келтираймиз, холос. Улар Самарқандда миллий матбуот таълим тошини қўйганлар. 1913 йил апрелида ўзбек тилида "Самарқанд" газетасини чиқаришган. Ана шу газета орқали Махмудхўжа Бехбудий "Падаркуш" асари орқали драмачиликка асос солди. Саидризо Ализода эса "Муаллим ила муҳаррир миллатнинг икки қўлидир" деган ҳадиснома иборани яратди.

Демокримизки, Самарқанд воқеасида журналистикада биз интиладиган аҳнава ва таҳрирлар бор. Биргина "Зарафшон" газетасининг 98 йиллик тарихи бугун ҳам ана шу

руҳиятни қарор топтиришга ёрдам бермоқда. Зеро, бу кайфият миллий матбуотимизда юзага келган сифат босқичида ҳамкасбларимизга далла бўлаётди. Янги босқич деганимизнинг боиси шундаки, биз матбуотда турли хилликка эришдик. Босма нашр ва телевиденининг истаган тури бор. Энди сифат, яъни ижодий рақобат жараёнини кузатаймиз. Қайсидир нашр оммалашаяпти, қайсидир таҳрирлар ўз фаолиятини тугатаёпти. Газеталарини минтақавий баҳолаш услуби эскирди. Чунки баъзи республика газеталари журналистнинг адади айрим вилоят, ҳатто туман газеталариникидан кам.

Муҳими, сўз айтиш рақобати бошланди. Бугун Самарқанд вилоятида 50 та турли матбуот нашрлари чоп этилмоқда. Ундан ортиқ теле ва радиоканаллар мунтазам ишлаб турибди. Уларнинг ҳар бири ўз ўқувчига, томошабин ва тингловчига эга. Чунки бу жамоаларда меҳ-

нат қилаётган журналистлар даврининг шиддаткор воқеаларига ўз ҳоли муносабатлари билан муштариолар эътиборини аллақачон қозонишган.

Масалан, "Пахтакор овози" (Нарпай), "Ургут садоси", "Оқдарё овози", "Адолат сари" (хуқуқий газеталар) босилаётган долзарб мақолалар вилоят жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш билан ўқилимоқда. "Самарқанд" шаҳар газетаси таҳририяти кейинги пайтда нафақат таҳрирчи баҳолаш услуби эскирди, балки олимлар, иқтисодчи талабалар тўпланадиган маскан бўлиб қолди. Шу сабабли унинг ҳар бир сони қўлма-қўл бўлиб кетмоқда.

Яна битта мисол. Вилоят матбуотининг бош наشري — "Зарафшон" газетаси ҳар ойда 230-250 та хат олади. Демак, одамлар газетани ўқийдиган. Матбуот чиқишлари муносабат билдиришга интилиш кучаймоқда. Бу эса таҳрирлар ходимларига катта масъулият юклайди.

Дарвоқе, "Зарафшон"нинг жамоатчи муҳбири — "Қизил Ярим ой" жамияти вилоят бўлими ходими Гулмира Келдиёрова яқинда соҳа ходимлари республика танловида ғолиб чиқди. Ургутлик ўқитувчи Худойберди Комилов айнан шу газетани сиёсий шарҳнинг ўзига хос мактабини шакллантирди. Эркин Шерматов, Мамаюнус Пардаев, Амридин Бердимуродов, Хикмат Тўраев, Нуриддин Бобоқандов сингари ижодга яқин олимлар таҳририятнинг бевосита буюртмасига қўра долзарб мавзуларда туркум мақолалар тайёрлаб беришарди. Бундан ташқари, деярли барча нашрларда ташкилот, идора раҳбарларининг муштариоларга саволлари эълон қилинаёпти.

Демак, бемалол айти олишимиз мумкинки, матбуотнинг бугунги кундаги сифат босқичининг асосий белгиси бу — унинг жамоатчилик билан муносабати. Андиқор қилиб айтидиган бўлсак, нашрнинг

ёки журналистнинг жамиятдаги янгилиниш жараёнларига муносабати хусусида



БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Паркент туманининг сўлим ва баҳаво масканларидан бирда жойлашган "Бойчечак" оромгоҳида болажонлар мароқли дам олмақда.

Оромгоҳда болалар учун барча шароит яратилган. Шинам ётоқхоналар, ошхона, спорт майдони, бассейн, кутубхона болажонлар хизматида. Пушнингдек, спорт, музика, рақс, болалар театри, компьютер тўғрақлари ишлаб турибди. Айниқса, турли қўшполачар ўйинлар, болаларнинг билими, зукколиги ва маҳоратини синаш бўйича кўрик-ташловлар ва саёҳатлар барчага манзур бўлаётди.

Суратларда: оромгоҳдан лавҳалар.



да устозларни ёд этиш билан бирга, уларнинг пандунасиҳатларини, ўғитларини сиёсатга етказишни ният қилганимиз, аслида. Мана, ниятимга ҳам етдим чамаси.

Хотима ўрнида айтишим жоизки, журналистика шу қадар оммавий, айти пайтда шу қадар ёқимли иш, бу қадар кўридан нафас олади, ҳаёт қатламларига кириб боради. Халқ эса, ўз навбатида, унга ишонади, у билан фикрлашади, маслаҳатлашади, ҳеч монессиз, таълиқсиз юрагидан бор гапларни айтди. Мухтасаргина айтганда, ҳар тунги бир умрга тенгулик, таълиқли журналист — халқимизнинг қувонч ва ташвишларига доимо шерик инсон.

Номоз САДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист.

Ҳам ёднома, ҳам ўғит

Ҳар гал касб байрамимиз олдиндан салкам қирқ олти йиллик меҳнат фаолиятим даврида ёнма-ён ишлаган дўстларим ва энг аввало, менга ҳаётни, турмушни, ёзишни ўргатган, керак жойида бошимни слаган, меҳрибончилик қилган устозларимни, улар билан бўлган суҳбатларим хотирлайман. Улар оғзидан ҳафсада қилиб ёзиб олиб қолган эсдаликларимни варақлайман...

Таъқил журналист, публицист, таъбир жоиз бўлса, ар-боб даражасига кўтарила олган ижодкор, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, раҳматли Холбек ака Ёдгоров (Оллох жойини жаннатдан қилган бўлсин!) суҳбатларидан (устознинг бу ўғитлари қисман унинг "Ҳаёт тўқинлари" ("Ўзбекистон" нашриёти, 1976 йил) китоби-га ҳам кирган).

... 1974 йил.

АЙНИ САРАТОН.

"Газетачилик ниятда шарафли, бабруй иш. Лекин бу касбда унинг машаққатлари, қийинчиликларига дош берадиган одамгина ишлайди

мумкин. ЮНЕСКО ҳисоблаб чиқибди: журналистнинг умри портлатувчи қончи ва синовчи учувчидан ҳам қисқа экан. Бироқ бу ҳисобдан ҳабардор бўлган бирон журналистнинг ўз касбининг ўзгаришларини биласизми? Асло! Зарурат туғилиб қолса, газетачиликнинг тантанали байрамларида ҳам ишлайди, ижод қилади. Унга ҳафта — етти кун бир хилдир.

Байрам шодиёналари тафсилотини матбуотда ҳам ёритади, халққа ҳам етказиши. Журналист! Байрам намойишлари манзараларини ким суратла олади? Суратлаш журналист! Демак, газетачилик

ҲАР ТОНГ БИР УМР

мининг муқим иш соати йўқ. Ҳатто у ётганда ҳам, юрганда ҳам ўйлайди. Газетачилик ишга билан қудуқ қазиб деган гап. Аммо ҳар қанча қийин бўлса ҳам газетачилик нолишнинг ёқимлидир...

1974 йил,
21 СЕНТЯБРЬ.

"Журналистнинг маънавий ээилишлари, руҳий азиятлари ҳам бор. Газетачи бирор хато кетиб қолса, вассалом, бундан ёмонроқ йўқ. Ҳарфлар, йўллар алмашиб, суратлар хира чиқса-чи? Қўрибсизки, бутун жамоа ташвишда, ҳуссан, бош муҳаррирнинг еган-гани татилади..."

1975 йил, 5 МАЙ.

"Матбуот ишини севги-муҳаббатнинг занжирбанд боқийлигига ҳисс қиламан. Бунинг сабаби бор, албатта. Булак касбга ўтган киши эски касбини қайтариб олмайди..."

ни унутиши, ё бўлмаса бир неча уриниш касбларини алмашиши мумкин. Аммо журналистнинг таъбири тақозоси билан ҳатто бошқа ишга ўтганида ҳам газетачиликнинг қўли қўймайди. Хуллас, таҳрирлар оstonасидан бир хатлаган ижодкор шу даргоҳни бир умр қўймайди.

Журналист — халқ фарзанди. Қўлгина журналистларнинг фазилати шундаки, улар доим халқ орасида бўлади, одамларни, уларнинг фелъатворларини яхши билади. Зотан, бундай журналистлар халққа тез танилиб, обрў-хурмат қозонади. Шундай журналистлар борки, бутун умрларини газета ва журналларда ўтказдилар ва ўтказмоқдалар. Улар меннинг назаримда матбуот учунгина туғилганга ўхшайдилар."

1975 йил, ДЕКАБРЬ.

"Журналист тил маданиятининг тожи, меннинг назаримда. У лугатларда эски қилингандан ҳам кўпроқ сўз билиши зарур. Сўз ўйинини, халқ ибораларини, гап тузилишини, замонавий атамаларни ҳаммадан кўпроқ билиш — унга ҳам қарз, ҳам фарз. Шу ўринда бир алломанинг сўзи эсимга тушиб қолди. Унинг таъбирича, халқ ичида юриб, ҳар кун биттадан яхши сўз ўрганиб олсанг, бир йилда 360 тага етади. 360 та янги, яхши сўзни билиб олган киши фозил номини олиши мумкин."

... Аънанамга қўра, эртага барча журналистларнинг касб байрами олдидан хотирлаётган ушбу эсдаликларим ва битикларим асосида

28 июнь — Савдо, матбуот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари куни

ЧОРТОҚЛИКЛАР ИБРАТИ

"Садоқат" савдо марказида 300 дан зиёд маҳсулот пластик карточкага сотилмоқда

Чортоқ тумани ҳокимлигининг амалий ёрдами туфайли Риқсвий Умаралиев раҳбарлик қилаётган улгуржи-чакана савдо акциядорлик жамияти жамоаси вилоятга ибрат бўларлик янгиликни амалга оширди. Яъни, кўп миң сонли хариддорларнинг манфаатини кўзлаб Чортоқнинг энг савдо жойида барча талабларга жавоб берувчи "Садоқат" савдо маркази ишга туширилди. Уч юздан зиёд турдаги маҳаллий маҳсулотлар билан савдо қилинаётган бу янги турмоқда кунлик хариднинг 60 фоизи пластик карточкалар орқали амалга оширилоқда.

— Савдо марказимизда замонавий ва қулай тўлов воситаси бўлган пластик карточкаларга чекланмаган миқдорда маҳсулот харид қилиш имкониятининг мавжудлиги кўпчиликни қувонтирмоқда, — дейди туман улгуржи-чакана савдо акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Риқсвий Умаралиев биз билан суҳбатда. — Бундан ташқари, иш билан банд, вақти тигиз фуқаролар телефон орқали берган буюртмаларига асосан уларнинг манзилларига маҳсулот етказиб бераймиз. Қўрилган чора-тадбирлар, яратилган кенг имконият ва қулайликлар бугун ўз самарасини бермоқда. Савдо марказига нафақат туман аҳолиси, балки қўшни туманларда яшайдиган фуқаролар ҳам пластик карточкага маҳсулот ха-


рид қилиш учун келяпти. Бу имкониятларимизни янада кенгайтиришга ҳисса қўшаяпти. Қўрилган соф дарамад эвазига нон, макaron ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ташкил этганлигимиз аҳолига яна бир қулайлик яратди.



Савдо марказида маҳсулот харид қилаётган хариддорларини суҳбатга тортидик. — Тумандаги 47-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман, — дейди Марғуба Тожибоева. — Иш ҳақимиз

нинг 55-60 миң сўми ҳар ойда пластик карточкага ўтказиб берилади. Лекин яқингача пластик карточка билан савдо қиладиган савдо шохобчаларининг камлиги туфайли ҳар хил муаммоларга дуч келардик. Савдо ташкилотининг янгиликларга дадил қўл уриши туфайли ишларимиз энгил кўчадиган бўлди. Эндиликда оддий пиздан тортиб, рўзгоримиз учун кераклик барча маҳсулотларни пластик карточкага харид қилаймиз. Бизга ана шундай қулайлик яратиб берган савдо маркази раҳбариятига тумандаги барча ўқитувчи ва мураббийлар номидан миннатдорлик билдираман.

— Пластик карточкага 30 миң сўмлик озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалик маҳсулотла-



ри харид қилдим, — дейди Уйчи тумани нефтбазаси ходими Баҳодир Турсунов. — Савдо марказида пластик карточкага бўлса-да сотувга қўйилган маҳсулотларнинг нархи бозордагидан анча арзон экан. Энди бозор-ўчарни шу ердан қиламан.

Уларнинг аънавий касб байрамларини муносиб ютуқлар билан қутиб олаётган туман улгуржи-чакана савдо акциядорлик жамияти жамоаси Мустақиллик шох қўчасида "Минимаркет", "Ойқирон" ва "Короскон" кишлоқ фуқаролар йиғинларига янги дўконларни ишга туширишга ҳозирламоқда. Бу қулайликлар, албатта, туман аҳолисининг осуда ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга, кишлоқлар файзига файз қўшишга хизмат қилади.

Бахтёр ТОШНАЗАРОВ,
Савдо маркази
АБДУРАХМОНОВ,
«Адолат» муҳбирлари.
Суратларда: жамоа
фаолиятдан лавҳалар.

Бугун — Бутунжаҳон гиёҳвандликка қарши кураш куни

ГИЁҲВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ

Маълумотларда келтирилишича, гиёҳвандликка ружу қўйиш асосан 11-17 ёшлилар орасида кўпроқ учраб экан. Бинобарин, захаролуд оғуға ҳам жисмонан, ҳам руҳан тобе бўлган одам нафақат ўзининг, балки яқинлари ва бошқалар ҳаётини ҳам захарлашига шубҳа йўқ.

Республика Вазиirlар Маҳкамаси томонидан июнь ойининг "Гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги" деб эълон қилиниши замирида ҳам айнан шу муаммоларнинг олдини олиш ва уни бартараф этиш, салбий оқибатлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш ётади. Шу сабабдан

вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги барча жамоат идоралари, давлат ва нодавлат ташкилотлар иштирокида ҳам борада турли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилоқда. Ушбу ойлик шуниси билан ҳам аҳамиятлики, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёш авлод келахатига таҳдид солувчи омилларга қарши курашда барча имкониятларни ишга солиш, ёшлар орасида фаол, идрокли, гиёҳвандликка берафқ бўлмаганлар сафини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилоқда.

"Ўзбекистон" Миллий агентлиги тизимидаги корхона ва

ташкilotлар, "Корақалпоқ" агентлиги, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлиmlари ҳам бу борада ибратли ишларни амалга оширмоқда.

"Ўзбекистон" ешлари гиёҳванд моддаларга қарши" широри остида "Ўзбекистон" Миллий агентлиги буюртмасига биноан яратилган "Ҳақиқий эркаклар ови", "Уйин", "Сардор-2", "Муруват", "Қасам-ед", "Соғинч соҳили", "18-квадрат", "Афюн гирдобини" каби фильмларни намойиш қилиш ҳамда фильм ижодкорлари билан учрашувлар ташкил этиш режалаштирилган.

Сурат МЕЛИҚУЛОВА.

БУ ТУРФА ОЛАМ

■ Маълумки, "Тинчнинг рекордлар китоби"дан энг ажот-оттовур жаҳон рекордлари ўрин олади. 1955 йилдан бошлаб ҳар йили чоп этиладиган бу китобнинг бузғунча 100 миллионга яқин нусхаси сотилган. Ҳар йили 40 миң киши "Рекордлар китоби"га киришга ҳаракат қилади, аммо улардан 5600 нафарини шундай бахтеа муассар бўлади.

■ Дунёда ҳар йили энг кўп нусхада чоп этиладиган китоб бу бирор муаллифга тегишли бўлмай, балки оддийгина телефон маълумотномалардан иборат.

■ 600 километр йўл босишнинг учун ўртача миллион қадам юришини керак.

■ Бир қатор саф тортеан бир миллион киши 250 километр масофани эгаллайди.

■ Миллион бетли китобнинг қалинлиги 50 километрга етади.

■ Эрамиз бошлангандан буён ҳали ҳам миллион кун ўтгани йўқ.

■ Дунёда энг кўп экранлаштирилган қаҳрамон бу Шерлок Холмсдир. У ҳақида ҳозиргача 211 та фильм суратга олинган.

■ Сўнги йилларда англиялик болакайларда кўзойнак тақувчилар сони кескин даражада ошиши кузатишган. Бунга сабаб кўз нури-ни хиралашини эмас, балки Гарри Поттер фильмларининг экранга чиқишидир. Гаррига ўхшашини орзу қилган болалар Англияда жуда кўп топилмоқда.

■ Энг узун эскалаторлар тизими "Тонконг Сентрал Хилл-сайд"дир. Унинг узунлиги 800 километр. У ҳаракатланувчи йўлак кўринишида бўлиб, Мид-ле-вел туманидан қирғоқ бўйида жойлашган марказий бозорча йўловчиларни "ташийдн". Уни ишлатиш учун ҳеч қандай ёқилғи керак эмас. У ишқаланиш кучи эвазига ҳаракатланади.

Ингитали МЕҲМЕТОВ тайёрлади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати жамоаси партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Кўмитаси аъзоси Қодир Жўраевга отаси Асад Жўраевнинг вафот этганини муносабати билан кўкур таъзия изҳор қилади.

АДОЛАТ
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН
«АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ
www.adolat_gazeta.uz

Бош муҳаррир
Худойр МАМАТОВ
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
0018 рақам билан рўйхатга олинган
Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибхона — 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-55-64
Мазмун: 10000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир хайъати
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Алишер МҲМИНОВ,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Жовдхон ИНОГҲОМОВ,
Зухра БОТИРОВА,
Иқбол МИРЗО,
Муҳаммад АЛИ,

Нашр учун масъул
Холтура ШАФОАТОВ
(Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)
• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят
руҳсати билан амалга оширилади.
t — Тизкорат мақолалар белгисин.
Нашр
нйлекси
100
Набатчи муҳаррир
Қамол АЛЛАЕВОВ
Набатчи — Носир ҲАЙДАРОВ
Саҳифаловчи-дастурич — Бобур ТУРДАЛИ ўғли